



KIUT

Ўзб. 2
33

9-23 ТОШКЕНТ КИМЁ
ХАЛҚАРО УНИВЕРСИТЕТИ

Додиев Ф. Ў, Вахабов А. В,
Хасанов Р. Р, Аллакулиев А. Б, Сатторий Ф. А.

ЎЗБЕКИСТОНДА
АҲОЛИ КАМБАҒАЛЛИГИНИ
АНИҚЛАШ ВА ҚИСҚАРТИРИШ

Монография

Тошкент – 2023




Ўзб.2
33
Ў.23

ТОШКЕНТ КИМЁ ХАЛҚАРО
УНИВЕРСИТЕТИ

Додиев Фозил Ўткурович, Вахабов Абдурахим Восикович,
Хасанов Рустам Раббимович, Аллакулиев Акмал Балтаевич,
Сатторий Файзуллоҳ Абдигаббор ўғли

ЎЗБЕКИСТОНДА АҲОЛИ
ҚАМБАҒАЛЛИГИНИ АНИҚЛАШ ВА
ҚИСҚАРТИРИШ

Монография



Тошкент – 2023

УЎК 330.59:364.662(575.1)

КБК 66.3(5y)3

Ф22

**Ф.Ў.Додиев, А.В.Ваҳабов, Р.Р.Хасанов, А.Б.Аллакулиев,
Ф.А.Сатторий. Ўзбекистонда аҳоли камбагаллигини аниқлаш ва
қисқартириш. Илмий монография – Т.: «Adast poligraf», 2023 йил,
130 бет.**

Ушбу монография Ўзбекистон Республикасида камбагалликни аниқлаш вауни қисқартишини назарий-амалий масалаларини тадқиқ этишга багишланган. Монографияда аҳоли камбагаллигини аниқлашнинг назарий-амалий асослари ёритилган, ҳалқаро ташкилотлар ўидашувлари ва хорижий мамлакатларни камбагалликка қарши курашининиг бой, илгор тажрибалари қиёсий таҳлил этилган, ҳамда эконометрик моделларни ўрганилган. Ушбу монографияда Ўзбекистонда аҳоли камбагаллигини келиб чиқиши сабаблари, омиллари, камбагалликни аниқлашнинг ўзига хое хусусиятлари, мезонлари ва услублари чукур ўрганилган. Мамлакатимизда аҳоли камбагаллигини аниқлашнинг методологик асосларини трансформация қилинни ва мамлакатимизда 2030 йилга қадар камбагалликни қисқартишининг стратегиясини амалга ошириш боқичлари ва устувор йўналишлари баён этилган.

Ушбу монография иқтисодий йўналишидаги олий ўқув юргаринини бакалаврлари, магистрантлари, таянч докторантлар, мустакил изланувчилар ва аҳоли камбагаллиги муаммолари билан мустакил қизиқувчи барча мутахассисларга мўлжалланган.

Монография “Ўзбекистонда аҳоли камбагаллигини аниқлашнинг интерактив шаклдаги электрон платформасини яратиш” мавзусидаги илмий-амалий лойиха доирасида тайёрланди.

Тошкент Кимё ҳалқаро университетининг Илмий-услубий кенгашининг 2023 йил 13 июнь 7-сонли карорига мувофиқ нашрга тавсия этилган.


Масъул мухаррир и.ф.д., профессор А.В. Вахабов

Тақризчилар:

Х.П. Абулқосимов – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Т.С. Расулов – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

ISBN 978-9943-6356-8-5



© Adast poligraf

МУНДАРИЖА

Кириш.....	4
I-БОБ. АҲОЛИ КАМБАҒАЛЛИГИНИ АНИҚЛАШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.....	7
1.1. Аҳоли камбагаллигини аниқлаш бўйича назарий қарашларни ривожланиш эволюцияси.....	7
1.2. Камбагаллик тушунчаси, турлари ва белгиловчи омиллари.....	20
1.3. Камбагалликни аниқлаш бўйича халқаро ташкилотлар методологияси.....	25
1.4. Камбагалликни аниқлаш бўйича хорижий давлатлар тажрибаси.....	35
1.5. Аҳоли камбагаллигини аниқлаш бўйича эконометрик моделлар.....	43
II-БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА АҲОЛИ КАМБАҒАЛЛИГИНИ АНИҚЛАШ АМАЛИЁТИ ВА РИВОЖЛANIШI 56 ТРЕНДЛАРИ.....	56
2.1. Ўзбекистонда камбагаллик даражасини баҳолашнинг ёндашувлари ва мезонлари.....	56
2.2. Ўзбекистон маҳаллаларида аҳоли камбагаллик даражасини аниқлаш услублари.....	69
2.3. Миллий иқтисодиётда камбагалликни қисқартиришда уй хўжаликларининг ўрни.....	75
2.4. Глобал инқирознинг мамлакат аҳолисини камбагаллик даражасига таъсири.....	83
III-БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА АҲОЛИ КАМБАҒАЛЛИГИНИ АНИҚЛАШ ВА ҚИСҚАРТИРИШ АМАЛИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ.....	93
3.1. Камбагалликни аниқлашнинг методологик асосларини трансформациялаш	93
3.2. Ўзбекистонда аҳоли камбагаллигини қисқартириш стратегияси.....	101
Хуроса.....	120
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	123

Кириш

Жаҳон иқтисодиётида аҳоли камбагаллигини қискартириш глобал муаммолардан бўлиб, унга халқаро ташкилотлар ва бозор муносабатлари шаклланадиган мамлакатлар алоҳида эътибор бермоқда. Шунинг учун Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Глобал кун тартибининг 2030 йилгача бўлган даврдаги Баркарор ривожланиш мақсадларининг биринчиси қашшоқликни тутатиши ҳисобланади.

XXI асрнинг 20 йилларидағи глобал инкироз шаронтида жаҳон иқтисодиётида камбагалликни қискартириш муҳим, кўпкіррали ва мураккаб масалага айланиб бормоқда. Жаҳон банкининг тадқикот натижалари кўрсатишича, 1990 йилдан бери қашшоқликни камайтириш бўйича глобал сайъи-харакатларига сарбий таъсир кўрсатган омил COVID-19 бўлди ва Украинадаги уруш эса вазиятни ёмонлаштириш билан таҳдид килмоқда. Ҳисоб-китобларга кўра, жаҳонда пандемия туфайли 2020 йилда 70 миллионга яқин одам ўта қашшоқликга дучор бўлди, бу 1990 йилда қашшоқлик мониторинги бошланганидан бери бир йил ичидаги энг катта ўсишdir. 2020 йил охирига келиб кунига 2,15 доллардан кам даромадга эга бўлганлар аҳоли сони 719 миллион кишини ташкил этди. 2030 йилга келиб, деярли 600 миллион киши кунига 2,15 доллардан кам даромад олиб яшашга мажбур бўлади¹.

Мамлакатимизда кামбагаллик ва унинг даражаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга килган Мурожаатномасида биринчи марта расман қўйидагича баён килинган: “Ҳар қандай мамлакатда бўлгани каби бизда ҳам кам таъминланган аҳоли қатламлари мавжуд. Турли ҳисоб-китобларга кўра, улар тахминан 12-15 фоизни ташкил этади. Бу ўриндаган кичкина рақамлар эмас, балки аҳолимизнинг 4-5 миллионлик вакиллари ҳақида бормоқда”².

Ўзбекистон Республикасининг “2030 йилгача бўлган даврда баркарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларида”³ 2030 йилгача мамлакатда камбагаллик даражасини иккى бараварга

¹ Глобальный прогресс в сокращении крайней бедности останавливается. <https://www.vsemirnyjbank.org/ru/news/press-release/2022/10/05/global-progress-in-reducing-extreme-poverty-grinds-to-a-halt>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга мурожаатномаси <https://uzo.uz/uz/posts/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-nurzijevning-oliy-25-01-2020>

³ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2022 йил 21 февралдагит “2030 йилгача бўлган даврда баркарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалига оширишини жадаллантириши бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 83-сонли карори <https://lex.uz/docs/5870397>

қисқартириши белгиланган. Ушбу масалани ҳал қилиш учун, дастлаб, мамлакатимизда камбагаллик даражасини, унинг келиб чиқиш сабаблари ва унга таъсир килувчи омилларни аниқлаб олишимиз зарур. Шундагина камбагалликни қисқартириш бўйича чоратадбирларни аниқроқ белгилаш, уларнинг самарадорлигини ошириш имконияти вужудга келади.

Бозор муносабатлари шаклланиш шароитида камбагаллик даражасини тўғри аниқлаш камбагалликни қисқартириш, иқтисодий ўсишини рагбатлантириш учун самарали ижтимоий сиёsat ва уни амалга оширишининг чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқишида мухим аҳамиятга эга. Аҳоли камбагаллик даражасини аниқлашда кўлланиладиган икки усул — миллий ва халқаро усуллар ўртасидаги фаркларни тушуниш мухим аҳамият касб этади. Иқтисодий адабиётлар таҳлили кўрсатишича, мамлакатлар миллий даражада камбагаллик бўйича ўз таърифларидан фойдаланадилар. Хукуматларни бундай ёндашувига сабаб, ушбу атаманинг маъноси турли жамиятларда бирбиридан фарқланади. Ушбу ҳолат турли мамлакатларнинг иқтисодий ривожланиши даражалари бир хил эмаслиги билан боғлиқ⁴.

1991 йилда Жаҳон банки дунёнинг энг қолоқ мамлакатларидаги ўртача камбагаллик даражасини аниқлашминг халқаро камбагаллик кўрсаткичини ишлаб чиқди. Халқаро камбагаллик даражаси илк бор эълон қилинганидан сўнг бир неча боркайта кўриб чиқилди ва бир қатор мамлакатларда ижтимоий- иқтисодий вазият ўзгариши ва кўпроқ маълумот пайдо бўлиши билан ўзгариб борди. 2022 йил сентябр ойидан бошлаб халқаро камбагаллик чегараси кунига бир киши учун 1,90 доллардан 2,15 долларгача оширилди⁵.

Жаҳон банки «камбагалликнинг халқаро кўрсаткичи» тушунчасини тўлдиридиган даромадлар бўйича камбагаллик таснифини киритди. Ушбу ёндашувга мувофиқ бир хил – фуқароларининг даромад даражаси тўртта гурухдан бирига кирадиган мамлакатлардаги камбагаллик миллий чегарасининг қийматига асосланади: кам даромадли мамлакатлар (йилига жон бошига 1085 долларгача), куйи-ўрта даромадли (йилига 1086–4255 доллар), юкори-ўрта даромадли (йилига 4256–13205 доллар) ва юқори даромадли (йилига 13206 доллардан кўп). Ўзбекистон ушбу кўрсаткич бўйича

⁴ Ўзбекистонда камбагаллик чегарасини кандай ҳисоблаш мумкин? ЖБ иқтисодчиси Уилям Зейтіц билан интервю. <https://www.gazeta.uz/uz/2020/12/02/society/>

⁵ Справочный материал: Корректировка значений международной черты бедности <https://www.vseiniyuibank.org/tu/news/factsheet/2022/05/02/fact-sheet-an-adjustment-to-global-poverty-lines/#1>

куйи-ўрта даромадли мамлакатлар каторига киради, улар учун камбагаллик чегараси ҳар бир кишига ўртача 3,65 АҚШ долларни этиб белгиланган.

Ахоли камбагаллигини аниклаш амалиётидаги кўп сонли кийматли бўлмаган кўрсаткичлар ҳам кўлланилади – улар таълим, согликин саклаш, санитария, сув таъминоти, электр энергияси таъминоти ва бошка соҳаларга тегишли бўлиб – ахоли дуч келадиган камбагалликнинг кўп жиҳатларини тушуниш учун муҳим аҳамият касб этди. Ушбу кўрсаткичлар камбагалликни аниклашнинг қиймат мезонларига муҳим кўшимча бўлиб, ахолининг энг камбагал катламларининг ҳаёт сифатини реал яхшилаш учун катта аҳамиятга эга. Юқоридагиларни эътиборга олиб, Жаҳон банки камбагалликнинг киймат ва киймати бўлмаган жиҳатларини қамраб олувчи кўп ўлчовли камбагаллик индексини жорий этди.

Бозор муносабатларини ривожланиши мамлакатимизнинг миллий хусусиятларини ҳисобга олиб, камбагалликни аниклаш услубиётини ишлаб чиқаришни такоза этмоқда. Жумладан, мамлакатимизда камбагалликни қискартириш учун кўриладиган чора-тадбирларни тезкорлиги ва самарадорлигини ошириш миллий шарт-шаронтиздан келиб чиқиб, ахоли камбагаллигини аниклашнинг интерактив шаклдаги электрон платформасини яратишга зарурят тугдирмоқда. Ушбу ҳолатлар глобал ўзгариб бораётган жаҳон иктисадиёти талабларига жавоб берадиган янгича усуслар билан тадқикот олиб боришни такоза қилмоқда. Шу мақсадда тадқикот ишида камбагалликни аниклашнинг ҳалқаро тажрибаси ўрганилиб, мамлакатимиздаги жорий ҳолат таҳлил килиниб, ривожланиш тенденциялари ва муаммолари аникланниб, ахолининг аксарият катлами тушунадиган камбагалликни содда аниклаш услубиётини шакллантиришга каратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди. Ушбу ёндашув мамлакатимизда мутасадди ташкилотларга ахолини камбагал катламини тўғри, тез аниклаш ва уларни камбагалликдан чиқариш бўйича манзилли чора-тадбирларни ишлаб чишиш ва амалга ошириш имконини беради.

Илмий монография қуидаги муаллифлар томонидан ёзилган: кириш, 1.4, 2.1-параграфлар, хуроса – и.ф.и., доц.Ф.Ў.Додиев, 1.1, 1.2, 3.1-параграфлар – и.ф.д., проф. А.В.Вахабов, 1.3, 2.2-параграфлар – и.ф.д., проф. Р.Р.Хасанов, 2.3, 3.2-параграфлар – иктисадиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) А.Б.Аллакулиев ва 1.5, 2.4-параграфлар – катта ўқитувчи Ф.А.Сатторий томонидан ёзилган.

I-БОБ. АХОЛИ КАМБАГАЛЛИГИНИ АНИҚЛАШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАДЫ

1.1. Ахоли камбағаллигини аниқлаш бүйича назарий қарашларни ривожланиш әволюцияси

Иқтисодиёттің модернизациялаш ва баркарор иқтисодий үсіш суръатларини таъминлаш ахоли даромадларининг ортиши ва турмуш фаровонлигини яхшилашда мұхим аҳамиятга эга. XVIII аср бошлари – XX аср ўрталарыда камбагалликка қарши курашга бағищланған қатор илмий ёндашувлар шаклланған бўлиб, уларнинг илмий гоялари миллий бойликнинг манбаи ҳалол меңнатда эканлиги ҳақида эди.

А.Смит, Т.Мальтус, Г.Спенсер, Д.Рикардо каби классик иқтисодий мактаб вакиллари камбагаллик негизини инсониятнинг мавжудлигига деб билишган. А.Смит: “Миллий бойлик үсіши билан иш ҳаки ҳам үсішини, меңнатта ҳак тўлаш тенглик ва иқтисодий максадга қараб белгиланишини тахмин қилган, ҳамда уларнинг барчаси саноатни ривожлантиради ва ахолининг кўпайишига ёрдам беради. Ахоли сонининг үсіши мамлакат иқтисодий ривожланиши асоси ва қашшоқликни камайтириш кафолати ҳисобланади,”⁶ – деб таъкидлайди.

Т.Мальтус ўзининг “Нуфуз конуни тўғрисида тажрибалар” (1798) асарида табиат қонунлари билан ижтимоий ривожланиш ўртасидаги зиддиятларни тушунтиришга ҳаракат қилган. Ахоли сони озиқ-овқат маҳсулотларининг чекланған таклифига дуч келгунига қадар геометрик прогрессия кўринишида ўсоверади, озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган таклифи эса арифметик прогрессия бўйича ўсади. Ахолининг нуфуз қонунида камбагаллик бевосита ахоли сонининг ҳаддан ташқари үсішига bogliq эканлиги акс эттирилади. У ривожланған сари ахоли турмуш фаровонлиги пасайишига ва ушбу холат мукаррар равишда ахолининг бир қисмини қашшоқликка олиб келишини тахмин қилган. Ахоли сони кўп, озиқ-овқат маҳсулотлари миқдори кам бўлган мамлакатда камбагаллик юзага келади. Мутафаккир ахоли сонини тартибга солиш механизмининг табиий сабаблари сифатида очлик, эпидемиялар ва урушларни ажратиб кўрсатади, бокимандалик кайфиятининг кўпайишини кўллаб-кувватловчи давлатни айблайди. Давлатнинг ижтимоий ёрдам тизими ахолининг камбагал қатламлари кўпайишини рағбатлантиради, деб

⁶ Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. М.: Союзгиз, 1962. – С. 73-75.

хисоблайди⁷. Олимнинг фикрига кисман қўшилиш мумкин. Covid-19 пандемияси аҳоли сонини камайтириш билан бирга уларнинг даромадлари, жумладан, мамлакатда камбагаллар сонининг ортишига сабаб бўлди.

Д.Рикардо иш ҳаки жамгармасини тақсимлаш орқали камбагалликнинг келиб чиқиш сабабини тушунтириб берган. Унинг фикрича, „...аҳоли даромадларини белгилайдиган иш ҳаки ишчилар сонига таъсир килади. Ишчилар сонининг кўпайиши аҳолининг қашшоқлашишига олиб келади, туғилиш сонининг камайиши эса аксинча, ишчилар сонининг камайиши хисобига фаровонликни яхшилашга олиб келади”⁸, деб таъкидлайди. Бизнинг фикримизча, ишчилар сонининг кўплиги ракобат мухитини уйготади, ушбу ракобат мухитида бардошлиларгина ишлаши мумкин. Ишчилар сонининг кўплиги янги иш ўринларини яратиш, уларни иш билан таъминлаш лозимлигини кўрсатади. Зоро, ишсизлик камбагаллик учун қўйилган кадам.

Ж.Прудон камбагалликнинг пайдо бўлиши сабаблари сифатида ишлаб чиқариш ва истеъмолнинг ўсишини келтирган. Мутафаккир инсоннинг ҳаётий эҳтиёжларини қондирилганлик даражасига кўра камбагалликни аниклашг амалиётини яратди⁹. Француз олими Ж.Прудон камбагалликни ижтимоий фойда, деб хисоблар эди. Мехнат унумдорлиги ошган сари камбагалликни енгиз мумкин. Ж.Прудон икки турдаги камбагалликни илгари сурган: нисбий ва мутлақ. Мутлок камбагаллик ижтимоий табақаланиш маҳсули, нисбий камбагалликни эса ишлаб чиқариш ва истеъмол ривожланишининг натижаси, деб хисоблайди¹⁰.

Ж.Прудон гоясига кўра, ишчилар иш ҳакини ошириши учун курашиши лозим, нархларнинг кўтарилиши эса камбагаллар сонининг кўпайишига олиб келади. Шунингдек, камбагаллик инсониятнинг ажralmas йўлдоши бўлиб, ишлаб чиқариш ривожланган сари истеъмол ҳам ошибб, нисбий камбагаллик вужудга келади, деб таъкидлайди. Ж.Прудон “ҳаётий эҳтиёж” маҳсулотлари таркибига яшаш учун зарур бўлган маҳсулотлар билан биргаликда ушбу жамиятда ўрта қатлам

⁷ Мальтус Т.Р. Опыт закона о народонаселении. Мировая экономическая мысль. Сквоз призму веков. В 5 томах. Т.1. От зари цивилизации до капитализма -М.Мысль, 2004. – С.410-420.

⁸ Литинская Е.Ю., Матюшина Ю.Б. Генезис основных теорий бедности// Берегина /// БЕРЕГИНА 777 СОВА, 2017. № 4 (35). – с. 208-212

⁹ Ярошенко, С.С. Четыре социологических объяснения бедности (опыт анализа зарубежной литературы)// Социологические исследования. – М: 2006. – № 7. – С. 1-22.

¹⁰ Прудон П.Ж. Бедность как экономический принцип. М. 1998. – С. 10.

вакиллари учун стандарт ҳисобланган маҳсулотларни киритди¹¹.

XIX аср ўрталарида Г.Спенсер камбагалликни жамиятдаги табий ҳодиса деб ҳисоблаган. У ўзининг “Ижтимоий статистика” асарида (1850) ижтимоий ишлаб чиқариш ривожланиб борган сари камбагаллик ва тенгизлиқ ҳам ўсишини таъкидлайди. Ишлаб чиқариш ривожланишини тўхтатиб бўлмайди, шундай экан, камбагалликдан ҳам кутулиб бўлмайди. Бундан ташқари, камбагаллик аслида бутунлай бошқача ўлчов ва тартибга эгалигини кўрсатади: бу ижтимоий ҳодиса эмас, балки шахсий муаммо, жумладан, шахсий танлов ёки шахсий тақдирdir. Инсонлар мукаммал эмас, айримлари ҳаёт муаммоларига мослаша олса, баъзилари эса муваффакиятга эриша олмаслигини айтади. Г.Спенсернинг услубий мулоҳазаларига кўра, камбагалликни белгилашнинг аниқ мезонларини аниқлаш имконияти мавжуд эмас. Жамиятнинг ўсиши ва ривожланиши билан муқаррар равишда камбагаллик пайдо бўлаверади ва натижада жамиятда камбагалликни йўқ қилиб бўлмайди. Г.Спенсер камбагалликни шахсий муаммо деб ҳисоблайди ва давлат томонидан камбагалларга кўрсатиладиган моддий ёрдамни қўллаб-куvvatlamайди. Ушбу амалиётни у ўз муаммосини бирорининг елкасига ташлаш деб тушунар ва келгусида ижтимоий паразитизмни келтириб чиқариши мумкинлигини таъкидлайди¹². Мамлакатда камбагалликнинг бўлиши табий жараён, агар камбагаллик хавфсизлик чегарасидан юкори бўлса, хукумат камбагалликни камайтириш учун ижтимоий дастурлар ишлаб чиқиши ва амалга ошириши лозим бўлади.

К.Маркс, Ф.Энгельс, Э.Реклю маркесча иқтисодий таълимот вакиллари бўлиб, классик мактаб вакилларидан фарқли ўларок, камбагалликни ижтимоий тизимнинг ривожланиши натижаси деб ҳисоблаганлар.

Э.Реклю “Бойлик ва қашшоқлик” асарида камбагаллик ва қашшоқлик тушунчаларини қиёсий таққослаб ўзаро фарқлайди. Э.Реклю камбагалликнинг дастлабки босқичи бошланиши сифатида жисмоний мавжудликни таъминлаш учун ҳаётий зарур эҳтиёжларнинг минимал тўпламларини аниқлади¹³. У ҳаётий зарур эҳтиёжларни қондира оладиган аҳоли қатламини камбағал деб ҳисоблайди¹⁴. У инсоннинг жисмоний мавжудлиги учун зарур бўлган харажатларни

¹¹ Прудон П.Ж. Бедность как экономический принцип. М. 1998. – С. 10.

¹² Спенсер Г. Социальная статистика. Изложение социальных законов, обуславливающих счастье человечества. –Гама-Принт. 2013. – с. 312

¹³ Бадердинова, З.Ф. Проблема бедности и богатства в учениях социал-дарвинизма и марксизма // Вестник Башкирского университета. –2008. – Т. 13. – № 1. – С. 57-60.

¹⁴ Реклю Э. Богатство и нищета. М., 1906. – С. 33.

хисоблаб чиқади. Ушбу харажатларни коплай олганини камбагал, коплай олмаганини эса қашшок сифатида баҳолайди. Э.Реклонининг гоясига кўра, камбагаллікни камайтиришининг самарали йўли барча аҳоли катламлари таркибида ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тенг таҳсиллашдан иборат. Аммо инсонларининг меҳнат қобилияти турлича эканини ҳисобга олсан, ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжаликлари маҳсулотларини тенг таҳсиллашнинг имконияти мавжуд эмас.

Институционализм илмий мактаби вакиллари Ф.Ле-Пле, Ч.Бут, С.Раунтрилар камбагалликни аниқлаш ва ўлчаш амалиётини тақомиллаштиришга катта ҳисса кўшилар. Ч.Бут ва С.Раунтри инглиз оиласидаги камбагаллик муаммоларини назарий жиҳатдан таҳлил этиш ва эмпирик тадқиқотлар ўтказишда етакчи ва ташкилотчи бўлдилар.

Ф.Ле-Пле оила даромадини илк бор таҳлил этиш билан шуғуланиб, камбагаллик даражасини оила бюджетига асосан аниқлайди ва камбагалликнинг мутлок мезони сифатида қабул қилади. Ушбу камбагалликни аниқлаш услубига кўра, инсоннинг жисмоний жиҳатдан такрор ишлаб чиқариш учун зарур бўлган моддий неъматлари ҳисобга олинар эди. Камбагалликни аниқлашнинг бошлангич нуктаси сифатида ушбу мактаб вакиллари инсоннинг озиковкат, кийим-кечак ва туарар-жойга бўлган ҳаётй зарур эҳтиёжларини қондира олиш қобилиятини кўрсатдилар. “Камбагал деганда, мен оиласининг яшашига сарфлаш учун ҳафталик етарли маблагга эга бўлганларни айтаман, жуда камбагал, деганда эса ушбу суммадан кичик даромадга эгаларни назарда тутаман. Камбагаллар деб, ушбу мамлакатнинг одатдаги турмуш тарзи даражасига мувофиқ, эҳтиёжлари қондирилмаганларга айтилади”¹⁵. Олимининг фикрлари ҳозирда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, мамлакатлар камбагаллик чегараси оркали камбагаллик даражасини аниқлаидилар.

Ч. Бут камбагалликни реал мезонларини аниқлашга ҳаракат қиради. У камбагаллик мезони инсоннинг даромадлар даражаси ва ҳаётй зарур эҳтиёжларининг қондирилиши; меҳнат қобилияти ва сиҳат-саломатликни маълум даражада саклаш учун зарур бўлган норма ва стандартлардан иборат деб ҳисоблади. “Бутнинг Лондон ва Раунтрининг Нью-Йорк бўйича ўтказилган тадқиқотлари аҳолининг 30 фоизи ҳаёти мобайнида доимий муҳтожликда яшашини исботлаб

¹⁵ Booth Ch. Life and labor of the people in London. London—New York, 1892. — P. 33.

берди”¹⁶.

С.Раунтри оилаларниң турмуш даражасини чукур таҳлил этган ҳолда, бирламчи ва иккиламчи камбагаллик турлари мавжуд деган хулюсага келди. Бирламчи камбагаллик деганда, ўз маблагларидан оптимал фойдаланилганды ҳәёттүй эхтиёжларни қондиришга маблаглари етарли бўлмаган оилалар таъсифланади. Иккиламчи камбагаллик деб, ўз маблагларидан самараасиз фойдаланганлиги туфайли ҳәёттүй зарур эхтиёжлари қондирилмаган оилаларга айтилади. У иқтисодий адабиётда илк бор камбагаллар ва исрофгарларни фарклайди. С.Раунтри ўз тадқиқотларида, реал муҳтојклар сони ва камбагаллик мезонини аниклашга ҳаракат қилди. Тадқиқотчи камбагаллик даражасини ишсизлик, иш ҳаки ва туарар жой шароитлари каби омиллар билан белгиланишини асослайди. С.Раунтри камбагаллик мезонини ҳәёттүй зарурий ҳәёттүй эхтиёжларни (озик-овқат, кийим-кечак, туарар-жой) қондириш учун зарур бўлган оила даромадидан келиб чиқкан ҳолда аниклайди. Унинг фикрича, ушбу даража камбагалликниң мутлоқ чегараси ҳисобланади ва шахсий даромаддан қатъий назар, озик-овқатлар нархининг ўзгариши билан тартибга солиш мумкин¹⁷. С.Раунтрини фикрига қўшилган ҳолда, камбагаллик фақат физиологик эхтиёжларни қондириш билан биргаликда кийим-кечак ва туарар-жой каби эхтиёжларни қондирилиши билан аникланиши лозим.

ХХ асрнинг 60-йилларида иқтисодий адабиётда камбагалликни аниклаш борасида муҳим қадамлар ташланди. АҚШнинг Ижтимоий ҳимоя бошкармасининг мутасадди ҳодими М.Оршански уй-жой, кийим-кечак ва муҳим ҳәёттүй эхтиёжларни қондириш учун зарур бўлган миндорий кўрсаткичларни аниклади. М.Оршански ушбу кўрсаткичларни аниклашда бюджет сўровномаси маълумотларига асосланган ҳолда Энгель коэффициентидан фойдаланди. Инсон ҳәёти учун зарур бўлган озик-овқат маҳсулотлари нархини аниклаб, ўртача оила даромадларига мос келувчи озик-овқат маҳсулотлари харажатларини ифодаловчи ушбу коэффициентнинг тескари улушига кўпайтирди. Ушбу камбагалликни аниклаш услубиёти АҚШда ХХ асрнинг 80-йилларига қадар камбагаллик чегарасини аниклашда кўлланилган¹⁸. 1970-йилларда жамиятда анъанавий меъёрий нормалар учун оиланинг даромади етарли бўлмаса, уларни камбагал сифатида

¹⁶ Бебель А. Женщина и социализм. М.: Госполитиздат, 1959. С.401

¹⁷ Сычева В.С. Измерение уровня бедности: история вопроса// 1996. – С. 141-149.

¹⁸ Fisher M.G. Mollie Orshansky: Author of the Poverty Thresholds / M.G. Fisher // AMSTAT NEWS. – 2008.- September – Р. 15-18. Режим доступа –<http://www.amstat.org/about/statisticiansinhistory/bios/OrshanskyMollie.pdf>

эътироф этиш ёндашуви шаклланди.

Англиялик олим П.Таунсенд “Буюк Британиядаги камбагаллик” асарыда (1979) нисбий камбагалликка қүйндагича таъриф берди: “онлалар, шахслар ва ижтимоий гурухлар ахоли таркибида мөъёрий норма сифатида қабул қилинган турмуш тарзини кондириш ва ижтимоий ҳаётда иштирок этиш учун етарли маблагга эга бўлмаса, уларни камбагал деб хисоблаш мумкин. Уларнинг даромадлари ўрта ҳол оила ёки шахснинг даромадидан камрок бўлиб, жамиятда қабул қилинган одатлар ва фаолият турларидан четлаштирилган”¹⁹. Буюк Британияда хукумат органлари муунтазам равишда расмий камбагаллик чегарасини даврий оммавий ахборот воситаларида эълон килади. Ушбу расмий камбагалликдан келиб чиккан ҳолда камбагаллик чегараси белгиланади. П.Таунсенддинг таъкидлашича, ижтимоий сўровномалар кўрсаткичига кўра британияликларнинг 25 фоизи реал камбагаллик даражасида яшайди. Деярли 50 фонзи доимо камбагалликдан кўркиб яшайди. Ахолининг озгина қисми қиска умри мобайнида камбагалликка дучор бўлмасликка умид килиб яшайдилар. Ушбу ҳолат сабабини Таунсенд капиталистик тузумда деб билади. Умуман, муаллифининг иктисадий карашлари хисоб-китобларнинг мантикийлигини таесклайди ва улар нисбий депривация²⁰нинг муаллиф томонидан яратилган субъектив индексига асосланади. Таунсенд миллый даромад доимо узлукениз ўсавериши мумкин эмас, камбагалларга ижтимоий ёрдам бериш мақсадида миллний даромад ахоли ўртасида тенг тақсимланиши керак²¹ деган гояни олга суради.

1972 йилда К.Джозеф томонидан таклиф этилган депривация даври гояси қашшоклик маданияти билан чамбарчас боғлиқdir. Ушбу гояга кўра, камбагаллик камбагалликни тугдиради. Ахолининг камбагал қатлами фарзандларига ота-онаси томонидан юкори турмуш даражасини таъминловчи турмуш тарзи гояси сингдирилмаса, камбагаллик ҳолати давом этаверади. Камбагаллик “тузоги” тушунчасида камбагалликни саклаш гоялари мавжуд. Камбагаллик “тузоги” ва сурункали камбагаллик тушунчалари бир-бири билан ўзаро узвий боғланган²². Реал воқеликда, камбагалликнинг келиб чикиш сабабларидан бири бу камбагал оиласида туғилиш хисобланади.

¹⁹ Townsend P. Poverty in the United Kingdom. Berkeley: Univ. of California, 1979. – Р. 31.

²⁰ Депривация- маҳрумлик. Физиологик ски ижтимоий эҳтиёжларни кондиришни имкониятни кискартиришни тўлиқ маҳрум этиш

²¹ Handbook for sociology teachers / R.Goom, P.McNeill (eds.). London: Heinemann Educational Books Ltd.,1982

– Р. 129

²² Poverty traps and social exclusion among children in South Africa/SAHRC and UNICEF.Pretoria: SAHRC. – 2014.
– 18 р.

Агар мамлакат ақолиси ижтимоий соқаларга, жумладан, таълим ва соглиқни сақлаш тизими билан түлиқ қамраб олинмаса, камбағал ойладаги мұхит ўзгаришесін қолаверади.

1975 йилда Европа Иттифоқи Комиссиясы томонидан қашшоқлик ва камбағалликкін таърифи берилди ва улар учун хос бўлган кам даромадлилик, ёмон турмуш тарзи, етарли тиббий ёрдам, узлуксиз таълим, маданият, спорт ва дам олиш имкониятига эга эмаслик хусусиятлари хослиги эътироф эътилди. Юкоридагилардан келиб чиққан ҳолда, ўзлари яшайдиган жамиятдаги турмуш тарзи учун етарли маблагга эга бўлмаган шахслар камбағал ҳисобланади, деган хуносага келинди²³.

Нобель мукофоти лауреати А.Сен камбағалликни кунлик даромаднинг кичинклигига эмас, балки яшаш турмуш тарзи сифатига ургу берган ҳолда, асосий мухтоҗликларни ҳал этиш учун зарур имконият мавжуд эмаслигига деб билди. Шунингдек, А.Сен инсоннинг турмуш тарзи ўзгаришига мослашиш қобилиятини пасайтирувчи омилларни аниклайди. Камбағалларнинг таълим даражасининг пастлиги ва соглигининг ҳолати белгиловчи омиллар сифатида қабул килинди. А.Сен инсоннинг комплекс ривожланиши гоясини ишлаб чиқди ва ушбу гояда узок умр ва соглом турмуш тарзи, муносиб турмуш даражаси, санъат, эркинлик, гурур ва ўзгаларни хурмат қилиш кабиларни таъминлаш йўналишлари илгари сурилган²⁴. Камбағаллик – бу уй хўжалигини маълум миқдордаги неъматларни истеъмол қилиш ва ушбу неъматлардан фойдаланиш имкониятига эга бўлмаслик ҳолати ҳисобланади. Муаллиф мамлакатдаги камбағаллик даражасини даромадларни тақсимланишининг табақаланиши кўрсаткичлари билан боғлайди. Тенгизлик ва камбағалликни вужудга келиши ва ривожланишига у ёки бу мамлакатни (минтақани) тарихий ривожланиш хусусиятлари, иқтисодий сиёсатни амалга оширувчи миллий институтларни фаолият юритиши, мамлакатни глобаллашув жараёнларига жалб этилиш даражаси, миграция сиёсати ва бошқа омиллар таъсир кўрсатади.

XX асрнинг сўнги чорагида камбағаллик борасидаги илмий тадқикотларга эътибор ижтимоий эксклюзияни²⁵ асосида ўрганишга қаратила бошлади. Ушбу атама Рене Ленуар томонидан иқтисодий

²³ Townsend P. Poverty in the United Kingdom: a survey of household resources and standards of living. Harmondsworth: Penguin Books, 1979. P 33.

²⁴ Sen A.K. Poverty: an ordinal approach to measurement//Econometrics. 1976. – March. – Vol. 81. – P. 285-307

²⁵ Эксклюзия- чеклани. Шахснинг меҳнат, таълим ва х.к. хаёттй мұхим институтларига киришни истисно килиш еки чеклани.